

Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари 2026 йил январь-февраль


- I. Хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари динамикаси
- II. Хизматлар соҳасининг ҳудудлар кесимидаги ўзгариши
- III. Хизматлар соҳасининг асосий турлари бўйича кўрсаткичлари
- IV. Хизматлар соҳасининг статистик кўрсаткичлари бўйича тушунтиришлар
- V. Фойдали ҳаволалар

I. Хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари динамикаси

2026 йил январь-февраль ойларидаги дастлабки маълумотларига кўра (норасмий ва яширин иқтисодийтни баҳолаш бўйича ўтказилган статистик кузатувлар натижалари ҳисобга олинган ҳолда), кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **168 182,9** млрд сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2025 йил январь-февраль ойлари билан солиштирганда **15,4** %га ошди.

Маълумот учун: 2025 йил январь-февраль ойларида хизматлар ҳажми **137 965,4** млрд сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2024 йил январь-февраль ойлари билан солиштирганда **12,2** %га ўсди.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми ва ўсиш суръати
январь-февраль¹



II. Хизматлар соҳасининг ҳудудлар кесимидаги ўзгариши

2026 йилнинг январь-февраль ойларида бозор хизматларининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши **39,8** %, яъни **67 015,2** млрд сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2025 йил январь-февраль ойлари билан солиштирганда **19,0** %га ошган. Тошкент шаҳрини ҳисобга олмаганда, вилоятлар бўйича энг юқори ҳажм Самарқанд (**12 455,1** млрд сўм, яъни, бозор хизматлари умумий ҳажмининг **7,4** %ини эгаллади), Фарғона (**11 168,4** млрд сўм, **6,6** %), Тошкент (**10 915,5** млрд сўм, **6,5** %) ва Наманган вилоятида (**8 660,4** млрд сўм, **5,2** %) кузатилди. Сирдарё вилоятида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **2 227,7** млрд сўмни ёки умумий хизматлар ҳажмининг **1,3** %ини ташкил этди.

¹ 2024 йил январь-февраль ойлари ҳажми, шунингдек, 2025-2026 йиллар январь-февраль ойлари учун маълумотлар норасмий ва яширин иқтисодийтни баҳолаш бўйича ўтказилган статистик кузатувлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган.

Хизматлар соҳасининг ҳудудлар кесимидаги асосий кўрсаткичлари
2026 йил январь-февраль

	Ҳажми, млрд сўмда	Улуши, %да	Ўсиш суръати, %да
Ўзбекистон Республикаси ²	168 182,9	100,0	115,4
<i>ҳудудлар:</i>			
Қорақалпоғистон Республикаси	5 563,5	3,3	120,9
Андижон вилояти	8 162,7	4,9	113,3
Бухоро вилояти	6 572,1	3,9	115,8
Жиззах вилояти	3 712,8	2,2	117,5
Қашқадарё вилояти	8 244,2	4,9	113,0
Навоий вилояти	4 027,4	2,4	114,3
Наманган вилояти	8 660,4	5,2	117,4
Самарқанд вилояти	12 455,1	7,4	116,3
Сурхондарё вилояти	5 483,7	3,3	117,4
Сирдарё вилояти	2 227,7	1,3	113,3
Тошкент вилояти	10 915,5	6,5	114,1
Фарғона вилояти	11 168,4	6,6	116,1
Хоразм вилояти	5 843,7	3,5	117,3
Тошкент шаҳри	67 015,2	39,8	119,0

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кўрсатилган бозор хизматларининг ҳудудлар кесимидаги ҳажми](#)

2026 йилнинг январь-февраль ойларида кўрсатилган бозор хизматларининг нисбатан юқори ўсиш суръатлари Тошкент шаҳридан ташқари республиканинг бошқа ҳудудларида, хусусан, Жиззах (**117,5 %**), Наманган (**117,4 %**), Сурхондарё (**117,4 %**), Хоразм (**117,3 %**), Самарқанд (**116,3 %**), Фарғона (**116,1 %**), вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (**120,9 %**) кузатилди.

Бу кўрсаткич 2025 йил январь-февраль ойлари билан солиштирганда нисбатан юқори бўлмаган ўсиш суръати Қашқадарё вилоятида (**113,0 %**) қайд этилди.

2026 йилнинг январь-февраль ойларида Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **4 438,7** минг сўмни ташкил этди. 2025 йил январь-февраль ойларида (**3 711,6** минг сўм) нисбатан **13,2 %**га ўсиш қайд этилди.

Ҳудудлар кесимидаги таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, ушбу даврда аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрига тўғри келиб, **21 305,1** минг сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2025 йил январь-февраль ойлари билан солиштирганда **4 157,9** минг сўмга (**16,4 %**) ошди. Шунингдек, нисбатан юқори ҳажми Навоий (**3 650,4** минг сўм), Тошкент (**3 482,3** минг сўм) ва Бухоро (**3 141,5** минг сўм) вилоятлари эгаллади. Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг нисбатан паст кўрсаткичи Сурхондарё вилоятида (**1 841,3** минг сўм) қайд этилди.

² Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда.

**Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг
ҳажми ва ўсиш суръати кўрсаткичлари**
2026 йил январь-февраль

	Ҳажми, минг сўмда	Ўсиш суръати, %да
Ўзбекистон Республикаси	4 438,7	113,2
ҳудудлар:		
Қорақалпоғистон Республикаси	2 725,3	119,4
Андижон вилояти	2 337,9	111,2
Бухоро вилояти	3 141,5	114,0
Жиззах вилояти	2 392,0	115,3
Қашқадарё вилояти	2 241,4	110,6
Навоий вилояти	3 650,4	112,4
Наманган вилояти	2 739,5	115,1
Самарқанд вилояти	2 870,8	114,0
Сурхондарё вилояти	1 841,3	114,8
Сирдарё вилояти	2 373,4	111,3
Тошкент вилояти	3 482,3	112,1
Фарғона вилояти	2 669,4	113,8
Хоразм вилояти	2 849,5	115,2
Тошкент шаҳри	21 305,1	116,4

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Аҳоли жон бошига тўғри келадиган бозор хизматлари ҳажми](#)

[Аҳоли жон бошига тўғри келадиган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиш суръати](#)

Энг юқори ўсиш суръати Жиззах (**115,3 %**), Хоразм (**115,2 %**), Наманган (**115,1 %**), Сурхондарё (**114,8 %**), Бухоро (**114,0 %**), Самарқанд (**114,0 %**), Фарғона (**113,8 %**) вилоятларида, шунингдек, Тошкент шаҳри (**116,4 %**) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (**119,4 %**) қайд этилди.

2026 йилнинг таҳлил қилинаётган даврида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **91 984,4** млрд сўмни ёки умумий бозор хизматлари ҳажмининг **54,7 %**ини ташкил этди. Бу кўрсаткич 2025 йил январь-февраль ойлари билан солиштирганда **115,7 %**ни ташкил этди.

Ҳудудлар орасида кичик бизнеснинг хизматлар ҳажмидаги энг юқори улуши Фарғона (**73,8 %**), Наманган (**73,2 %**), Қашқадарё (**72,8 %**), Сурхондарё (**72,5 %**), Жиззах (**72,3 %**), Андижон (**71,7 %**), Хоразм (**71,3 %**), Тошкент (**71,0 %**), Бухоро (**70,0 %**) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (**69,5 %**) кузатилмоқда. Ушбу ҳудудларда бозор хизматлари асосан кичик тадбиркорлик субъектларига таянади. Шу боис у янада мослашувчан, бироқ қонунчиликдаги ўзгаришлар ва молиялаштириш имкониятларига нисбатан сезгирроқ бўлади.

Тошкент шаҳрида кичик тадбиркорликнинг улуши нисбатан паст (**40,3 %**) бўлишига қарамай, кичик бизнес субъектлари томонидан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми мамлакат бўйича энг юқори бўлиб, **26 997,6** млрд сўмни ташкил этди.

Самарқанд ва Навоий вилоятлари каби қатор ҳудудларда кичик тадбиркорликнинг улуши бироз пастроқ. Самарқанд вилоятида кичик тадбиркорлик томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми **7 763,4** млрд сўмни, Навоий вилоятида эса **2 260,2** млрд сўмни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида хизматлар соҳаси бўйича кичик тадбиркорлик кўрсаткичлари
2026 йил январь-февраль

	Ҳажми, млрд сўмда	Жами ҳажмдаги улуши, %да	Ўсиш суръати, %да
Ўзбекистон Республикаси	91 984,4	54,7	115,7
ҳудудлар:			
Қорақалпоғистон Республикаси	3 865,9	69,5	116,6
Андижон вилояти	5 852,1	71,7	112,3
Бухоро вилояти	4 599,1	70,0	115,4
Жиззах вилояти	2 684,9	72,3	114,4
Қашқадарё вилояти	6 003,8	72,8	113,7
Навоий вилояти	2 260,2	56,1	114,3
Наманган вилояти	6 342,1	73,2	117,0
Самарқанд вилояти	7 763,4	62,3	112,7
Сурхондарё вилояти	3 974,7	72,5	115,2
Сирдарё вилояти	1 478,3	66,4	116,3
Тошкент вилояти	7 751,3	71,0	110,6
Фарғона вилояти	8 242,0	73,8	114,6
Хоразм вилояти	4 169,0	71,3	115,1
Тошкент шаҳри	26 997,6	40,3	116,9

III. Хизматлар соҳасининг асосий турлари бўйича кўрсаткичлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги ПҚ-78-сон “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари белгиланган ва уларни мониторинг қилиш кўзда тутилган.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажми ўсишига молиявий хизматлар (**20,8 %**га, умумий ўсишга **3,6** фоиз банд ҳисса қўшди), савдо хизматлари (**19,8 %**га, **3,0** ф.б.), яшаш ва овқатланиш хизматлари (**14,9 %**га, **2,7** ф.б.), транспорт хизматлари (**8,3 %**га, **1,7** ф.б.), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (**17,7 %**га, **1,5** ф.б.), таълим соҳасидаги хизматлар (**21,2 %**га, **0,8** ф.б.), бошқа хизматлар (**13,1 %**га, **0,7** ф.б.) шунингдек, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар (**15,5 %**га, **0,4** ф.б.)нинг ўсиши асосий омил бўлиб хизмат қилди. Меъморчилик соҳасидаги хизматлар (**15,9 %**га), ижара хизматлари (**12,8 %**га), компьютер ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари (**11,6 %**га), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (**9,7 %**га) ҳамда шахсий хизматлар (**9,1 %**га) ўсиб, **1,0** фоиз бандга ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

2026 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида яшаш ва овқатланиш хизматлари **18,8 %**, транспорт хизматлари **18,7 %**, молиявий хизматлар **17,7 %**, савдо хизматлари **15,7 %**, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари **8,8 %**, таълим соҳасидаги хизматлар эса **4,0 %** улушни эгаллади.

Хизматлар соҳасининг асосий турлари бўйича кўрсаткичлари
январь-февраль

	Ҳажми, млрд сўмда		Ўсиш суръати, %да
	2025 йил	2026 йил	
Хизматлар – жами	137 965,4	168 182,9	115,4
шундан:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	11 542,4	14 776,0	117,7
молиявий хизматлар	23 641,7	29 825,0	120,8
транспорт хизматлари	28 262,0	31 505,5	108,3
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	13 527,0	16 354,7	109,9
яшаш ва овқатланиш хизматлари	25 327,9	31 562,9	114,9
савдо хизматлари	21 033,1	26 348,2	119,8
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	3 666,9	4 300,8	115,5
таълим соҳасидаги хизматлар	5 446,6	6 799,2	121,2
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	3 019,0	3 548,6	109,7
ижара хизматлари	1 879,8	2 273,7	112,8
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	2 078,4	2 436,9	111,6
шахсий хизматлар	2 922,2	3 490,9	109,1
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	1 730,9	2 151,0	115,9
бошқа хизматлар	7 414,5	9 164,2	113,1

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Кўрсатилган бозор хизматларининг асосий турлари бўйича ҳажми](#)


2025 йил январь-февраль ойларида нисбатан яшаш ва овқатланиш хизматлари ҳажми **6 235,0** млрд сўмга ошиб, **31 562,9** млрд сўмни ташкил этди. Унинг ўсишига асосан озиқ-овқат ва ичимликлар билан таъминлаш хизматлари таъсир кўрсатиб, мазкур хизматлар улуши **96,0 %** даражасида қайд этилди.

2026 йилнинг январь-февраль ойларида транспорт хизматлари ҳажми **31 505,5** млрд сўмга етди. Транспорт хизматлари таркибида автомобиль транспорти хизматлари **51,9 %**, ёки **16 354,7** млрд сўм ҳажм билан устунлик қилади.

Транспорт хизматлари ҳажмининг ўсиши ички ва ташқи савдо фаолияти, логистика, туризм ҳамда электрон тижоратнинг ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу юк ва йўловчилар ташишга бўлган талабнинг ортишига олиб келади.

Транспорт хизматлари ҳажмининг турлари бўйича таркиби

2026 йил январь-февраль



2025 йил январь-февраль ойларида нисбатан таҳлил қилинаётган даврда савдо хизматлари ҳажми **5 315,1** млрд сўмга ошиб, **26 348,2** млрд сўмни ташкил этди.

Савдо хизматларининг умумий ҳажмида чакана савдо улуши **52,6 %**ни ташкил этди. Улгуржи савдо хизматларининг улуши эса **29,1 %**га етди. Автомобиллар ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси, шу жумладан уларни таъмирлаш бўйича хизматлар, савдо хизматларининг умумий ҳажмида **18,3 %**ни ташкил этди.


2025 йил январь-февраль ойларида нисбатан 2026 йилнинг январь-февраль ойларида молиявий хизматлар ҳажми **6 183,3** млрд сўмга ошиб, **29 825** млрд сўмга етди. Бу кўрсаткич 2025 йил январь-февраль ойлари билан солиштирганда **20,8 %**га ўсди.

2026 йилнинг январь-февраль ойларида молиявий хизматлар таркибида суғурталаш ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари, молиявий хизматлар улуши **89,0 %**ни ташкил этди. Суғурталаш бўйича хизматларнинг улуши **6,6 %** даражасида қайд этилди. Ёрдамчи молиявий хизматлар эса **4,4 %**ни ташкил этди.

2026 йилнинг таҳлил қилинаётган даврида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми **14 776,0** млрд сўмни ташкил этди. Мазкур тармоқдаги энг катта улушни компьютер дастурлаштириш хизматлари (**46,0 %**) эгаллади. Шунингдек, кўриб чиқиляётган даврда алоқа ва ахборот хизматлари умумий ҳажмининг телекоммуникация хизматлари улуши **31,2 %**, ахборот хизматлари **14,3 %**, ноширлик хизматлари **6,3 %** ва бошқа хизматлар **2,2 %**га етди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг турлари бўйича ҳажми

январь-февраль, млрд сўмда



Бу соҳада дастурлаштиришнинг юқори улуши янги АТ-кластер пайдо бўлаётганини кўрсатади. У қўшимча иш ўринлари яратади ва экспорт имкониятларини оширади, айниқса аутсорсинг ва дастурий таъминот ишлаб чиқишга ҳисса қўшади.

2026 йилнинг январь-февраль ойларида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми **6 799,2** млрд сўмни ташкил этди. Таълим соҳасидаги хизматларнинг умумий ҳажмида олий таълим соҳасидаги хизматларнинг улуши устунлик қилиб, **41,1** %га етди.

Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларнинг умумий ҳажми (**4 300,8** млрд сўм)да шахсий ёки ижарага олинган кўчмас мулкни ижарага бериш ва бошқариш бўйича хизматларнинг улуши **94,8** % даражасида қайд этилди.

2026 йилнинг таҳлил қилинаётган даврида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ҳажми **3 548,6** млрд сўмни ташкил этди. Мазкур соҳадаги хизматлар умумий ҳажмининг **52,1** %ини соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа хизматлар ташкил этди. Шифохона муассасалари хизматлари **30,7** %, тиббий амалиёт ва стоматология соҳасидаги хизматлар эса **17,2** %.

IV. Хизматлар соҳасининг статистик кўрсаткичлари бўйича тушунтиришлар

Маълумотлар норасмий ва яширин иқтисодий баҳолаш бўйича ўтказилган статистик кузатувлар натижалари ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилган.

Бозор хизматлари ҳажми ва уларнинг улуши жорий нархларда келтирилган.

Ўсиш суръатлари тегишли нархлар ва тарифлар индексларидан фойдаланган ҳолда таққослама нархларда ҳисобланган.

Ойлик хизматлар ҳажми қуйидаги манбалар асосида шакллантирилади:

а) тижорат ташкилотлари (кичик корхоналар, микрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно), тижорат ташкилоти бўлган юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари ҳамда нотижорат ташкилотлар (рўйхат бўйича) томонидан тақдим этилган статистика ҳисоботлари;

б) кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини чораклик кузатув маълумотлари ва кичик корхоналар ҳамда микрофирмалар учун ягона йиллик ҳисобот натижалари бўйича баҳолаш;

в) фермер хўжаликлари ва нотижорат ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини тегишли статистика ҳисобот шакллари асосида баҳолаш;

г) якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини ҳар чоракда ўтказиладиган танланма кузатув натижалари асосида баҳолаш.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми бу – хизмат кўрсатишга ихтисослашган ёки хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури бўлмаган барча хизмат кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмолчиларга (жумладан, норезидентларга) маълум бир вақт давомида кўрсатилган хизматлар қийматидир.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича **кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмида** кўрсатилган хизматлар учун амалдаги бозор нархлари бўйича **ҳисобланган тўловлар (ҚҚС ва акцизсиз)** ҳисобга олинади.

Хизматлар бозор хизматлари сифатида ҳисобга олиниши учун, иқтисодий аҳамиятга эга бўлиши, реал олди-сотди объекти бўлиши, нархи ишлаб чиқувчи сарф-харажатларини тўлиқ ёки сезиларли даражада қопласа, бундай хизматлар **бозор хизматлари** сифатида ҳисобга олинади. Истеъмолчилар томонидан хизматлар учун

тўловлар нақд пул, шу жумладан, пластик карточкалар ва пул ўтказиш, электрон тўловлар ва электрон пуллар орқали амалга оширилиши мумкин.

Норезидентларга кўрсатилган хизматлар (агар тўлов сўмда амалга оширилмаган бўлса), шартнома нархлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тўлов кунда белгиланган курс бўйича қайта ҳисобланади.

Фаолият турлари бўйича **хизматларни таснифлаш**, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичига мувофиқ амалга оширилади.

Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми МСТ (Миллий статистик таснифлагич) бўйича G-S секцияларга кирадиган барча иқтисодий фаолият турларининг хизматларга тегишли қисми асосида шакллантирилади.

V. Фойдали ҳаволалар

Кўрсатилган бозор хизматларининг статистик ҳисоби бўйича услубий низом

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичи (МСТ)

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) статистик таснифлагичининг G, H, I, J, K, L, M, N, O, P, Q, R ва S секциялари кодлари батафсил (кенгайтирилган) рўйхати

Тайёрлаш учун масъул:
Хизматлар соҳаси статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63.
Электрон почта: info@stat.uz
Тел.: 71-203-80-00 (1280, 1281)

